
ВИЛОЯТИМИЗ МАКТАБЛАРИДА ЎҚИШ 16 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ

Эртадан, 11 январдан Фарғона вилоятидаги 12 та олий ўқув юртлари, 76 та техникумлар, коллежлар, касб-ҳунар мактабларида ўқишлар бошланиши белгиланди.

Вилоятдаги 975 та умумтаълим мактабларида, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда эса ўқиш 16 январь, душанба кунидан бошланишига қарор қилинди.

Вилоятдаги мактабгача таълим ташкилотлари ҳам 16 январдан одатий фаолиятига қайтади.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-01-10 15:05:23